



АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Алиходжаев Комил Кадилович

Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Аннотация

Ушбу мақолада аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Хусусан, соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ва соҳани такомиллаштириш бўйича ислоҳотлар ҳамда прокурорларнинг қонунийликни таъминлашдаги ҳуқуқий аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: бандлик, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари, меҳнатга оид ҳуқуқлар, прокурор назорати

Маълумки, аҳоли бандлиги иқтисодий ва ижтимоий жараён бўлиб, аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнатга қобилиятли фуқароларнинг ишга жойлашиши ҳамда уларнинг меҳнат бозоридаги фаолиятини камраб олиб, ҳар бир мамлакатнинг ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита таъсир қилади ва иқтисодий ўсишни таъминлашга ёрдам беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларнинг даромадини оширишга қаратилган.

Чунончи, ҳар йили аҳоли сони ошиб бориши сабабли меҳнат бозорига минглаб янги фуқаролар кириб келади, уларни бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва фуқароларни муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар ташкил қилиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳар қандай давлат ва жамиятнинг олдида турган муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалардан бири ҳисобланган.

Шу боис, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Халқаро меъёрларда



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th January, 2025

белгилангани каби юртимизда ҳам ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Аҳоли бандлигини таъминлашда мазкур соҳада қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, аҳоли бандлигини таъминлаш давлат ва жамият манфаатлари учун муҳимдир. Прокурорлар бандлик соҳасидаги қонунчиликнинг ижросини назорат қилиш орқали, давлат ва жамиятнинг иқтисодий барқарорлиги, аҳолининг фаровонлигига ҳисса қўшади.

Асосий Қонунимизнинг 143-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширишлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Респуб- ликаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идора-ларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати мамлакатда иш билан бандлик, ишсизликни камайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий фаолиятни ривожлантириш



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th January, 2025

соҳасидаги қонунийлик аҳволини ва қонун устуворлигини таъминлашга, соҳада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Сўнгги йилларда прокуратура соҳасини тубдан ислоҳ этиш, бу борада очиқлик ва адолатга асосланган, фуқаролар ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган, халқпарвар қарорлар қабул қилиш, ўз назарий ва амалий мактабига, фидойи ва профессионал ходимлар копусига эга бўлган тизимни шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз. Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси мамлакатда иш билан бандликни, ишсизликни камайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва фуқароларни ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган давлат сиёсатини назарда тутди.

Бандликни таъминлашга қаратилган қонунлар иш билан банд бўлган фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, иш жойлаштириш ташкил этиш, ишсизликни камайтириш, ишчи-ходимларни малакасини ошириш, касб-хунарга ўқитиш каби соҳа ва йўналишларни қамраб олади.

Конституциямизнинг 43-моддасига кўра, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.

Бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлашда фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, аҳоли билан ишлаш маҳалла даражасигача тушурилди, ҳар бир маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлашга бевосита масъул бўлган ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва даромадини ошириш бўйича имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш тизими соддалаштирилди.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари асосида жорий этилган кичик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бюджетдан



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th January, 2025

ажратилаётган имтиёзлар, субсидия ва молиявий ёрдамлар орқали ҳудудларда минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда, оилаларнинг даромади ошиб, камбағалликдан чиқарилмоқда.

Шу боис, ушбу йўналишда ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш соҳада прокурор назоратининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Прокурор назоратининг ушбу йўналишининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Аввало соҳада қонунийликни таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий жараён бўлиб, прокурорлар аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилк ижроси устидан мунтазам назоратга олиб, аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликни камайтириш, янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар таълими ва қайта тайёрлаш бўйича ижтимоий ҳуқуқлари таъминланишини назорат қилади, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан қонунда белгиланган тартибда назорат ҳужжатлари қўллаш орқали айбдорга нисбатан чоралар кўриш ҳамда қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича зарур чоралар кўради;

- фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бажарилиши, шунингдек, эркин меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган ва ижтимоий кўмакка муҳтож шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини таъминловчи назорат соҳаси.

Эл-юртимизнинг Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда, қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликни олдини олишда прокуратура органларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини чуқур ўрганиш ва ҳал этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳа ходимларининг энг асосий ва кундалик вазифасига айланди.

Прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш фаолияти тубдан ўзгартирилди. Илгари қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва жазолашга асосий ўрин берилган бўлса, энди асосий эътибор бундай



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th January, 2025

ҳолатларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилмоқда.

Сўнгги сўз ўрнида айтиш мумкинки, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати нафақат соҳада қонунийликни таъминлашга хизмат қилади, балки, жамият ва давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққий этишида ҳам муҳим ҳуқуқий аҳамият касб этади.